

47 (993)-сон

24 — 30 ноябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



3

**ОГОҲ БЎЛГАН  
ЮТҚАЗМАЙДИ**

**ФАРЗАНДНИНГ  
СОНИ ВА  
ЖИНСИДАН КЎРА...**



6



7



**ҲИКМАТ ФАЗНАСИДИР  
МАЪРИФАТ ЙЎЛИ**

**ТЎЙ ТЎЙДАЙ  
ЎТСИН-У, ЛЕКИН...**



8

## **ВАТАНИМИЗ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ТАРАТАЁТГАНЛАР**



## **“ОБУНА — 2011”**

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дард-каш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун **ОБУНА** бошланганини эшитдингизми?

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176,  
Ташкилотларга — 177

## **АНОР НАЗАРОВ:**

— Битта ё иккита кўшиқни компьютер ёрдамида ёзиб, нари-бери куйлаб юрганларни журналистларимиз «юлдуз»га айлантириб қўйишди. Ўзларининг шахсий симпатиясини бутун халқнинг хоҳиш-иродаси сифатида тақдим этади. Натижада, «эстрада» дейилганда, аввало, ана шундай чаласавод кўшиқчилар кўз ўнгимизга келадиган бўлиб қолган.



4

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси Тошкентдаги хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт гуруҳлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Игорс Апокиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг маърузаси мамлакатнинг истиқболдаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлидаги кенг ҳаракат дастури саналади.

Унда мамлакат ривожининг асосий, хусусан, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлари қамраб олинган.

"Ўзбекистон турли соҳаларда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш экан, қисқа давр ичида юксак муваффақиятларга эришди. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг ҳаётий рўёби, шубҳасиз, келажакда мамлакатда демократик ислохотлар ўтказилишига ижобий таъсир кўрсатади", дея таъкидлади элчи.

Латвиялик дипломатнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг маърузасида ҳар қандай давлат учун муҳим саналган кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ниҳоят даражада долзарб масала ҳисобланади. Зеро, мазкур соҳа мамлакат иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этувчи негиздир. Шу ўринда, элчи Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг миллий анъаналарини инobatга олган ҳолда оилавий биз-

несни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратганини юксак баҳолади.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавулда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг мамлакат келажаги ҳақида чуқур қайғуриш хиссига йўғрилган маърузаси концептуал хусусиятга эга ва ўзбекистоннинг давлат қурилиши борасида мутақиллик йилларида эришган барча бой тажрибасини ўзида мужассам этган.

### ДУНЁ НИГОҲИ

"Президент Ислом Каримов теран таҳлил асосида диққат марказида ўзбек жамоатчилигида сиёсий ислохотларни давом эттириш зарурати акс этган Ўзбекистоннинг яқин келажақдаги стратегик ривожланиш йўналишини аниқлаб берди", деди элчи.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Республикаси раҳбари ўзининг давр билан собитқадам, давлат тараққиёти ва истиқболли учун зарур бўлган ўзгаришларни аниқ ва ўз вақтида ҳис қила оладиган стратегик билимларга эга донишманд сиёсий зийраклигини яна бир бор намоян этди.

"Бу каби пухта ўйланган тақлифлар Ўзбекистоннинг яқин ҳамқори ва самимий дўсти саналмиш Хитойни, шубҳасиз, безътибор қолдирмайди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатни ислох қилиш борасида ишлаб чиқилган беш тамойил асосида эришилган тараққиётнинг юқори натижаларини мамнуният билан эътироф этади", деди хитойлик дипломат.

Юй Хунцзюнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари томонидан белгилаб берилган вазибалар ҳамда ўта долзарб конституциявий ўзгаришлар мамлакат ҳаёти-

нинг барча жабҳасида туб ислохотларни кўзда тутди ва давлатнинг келажақдаги ривожига кўмак берувчи чуқур ислохотлар ўтказиш йўлида ишонч билан одимлашдан дарак беради.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Азиз Харуннинг эътирофича, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси жамиятни янада ислох қилиш борасида теран мазмунга эга ва долзарб вазибаларни қамраб олганлиги билан кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Дипломатнинг таъкидлашича, келгусида Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган, ўз моҳиятига кўра, нафақат сиёсий партиялар, балки нодавлат нотижорат ташкилотларга берилган кенг ҳуқуқларни ўзида намоян этувчи ислохотлар алоҳида эътиборга лойиққидир.

Шу ўринда ў Ўзбекистон раҳбари томонидан суд-ижро ҳокимиятини такомиллаштиришга қаратилган эътиборнинг муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида сўз юритар экан, А.Харун Президент Ислом Каримов нечоғли чуқур иқтисодий ва стратегик билим соҳиб эканлигини намойиш этганини таъкидлади. Сўнгги йилларда мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масаласи устувор масалалардан этиб белгилангани юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Хусусан, ушбу тармоқларнинг давлат буюртмаларини бажариш тизимига жалб этилиши амалга оширилаётган ишларнинг сифат даражасини юксалтириб, соғлом рақобатни кучайтиради.

У, шунингдек, мамлакатда тарихий ва ижтимоий-маданий таърибага асосланган амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделини ҳам алоҳида эътироф этиб ўтди.

"Жаҳон" АА

### ДАВРА СУҲБАТИ

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

22-23 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Гранд-Орзу" меҳмонхонасида "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш" ва "Хотин-қизларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш" мавзуларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Республика Хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ва Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) кўмагида ташкил этди. Давра суҳбати давомида сўз олганлар мустақиллик йилларида юртимизда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ижодий, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, Ўзбекистонда 60 дан ортиқ қонун ҳужжатлари бевоқиф хотин-қизлар ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгани қайд этилди.

Тадбир доирасида "Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида" ги қонун лойиҳаси тақдимоти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Давра суҳбати қатнашчилари кичик гуруҳларга бўлиниб, қонун лойиҳаси билан яқиндан танишдилар, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

## ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

### ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бераётгани эътироф қилинмоқда. Айниқса, бунёдкорлик, қурилиш, ободонлаштириш юзасидан олиб борилаётган хайрли ишлар диққатга сазовордир. Шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан-янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданий бинолар, турар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Ички истеъмол бозори шаклланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, изчил иқтисодий ислохотлар жараёнида яратилган моддий неъматларни кўз қорачўғидай сақлаш ҳам энг муҳим бурчимизга айланмоқда. Шу маънода уларни асраб-авайлаш, ёнгин оғатларидан ҳимоялаш ҳам энг муҳим вазифа бўлиб, бу хайрли ишга ҳисса қўшиш ҳар бир ташкилот, идора ва меҳнат жамоалари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Шу боис қорхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли турар-жойларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, зарур қоидаларни

кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан, 15 ноябрдан 15 декабрга қадар мамлакатимизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинди.

Ойлик тадбирларини ўтказиш жараёнида ёнгинлар сони ва уларда инсонларнинг турли хил жараҳатлар олиш ҳолатларини камайитириш, энг асосийси, фуқаролар ўртасида ёнгин оқибатларидан сақланиш борасидаги тушунчаларни кенгроқ тарғиб этиш зарурлигига эътибор қаратилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳар доим долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий йилнинг 10 ойи мобайнида 10672 та ёнгин содир бўлиб, оқибатда, 555 нафар фуқаро турли хил тан жараҳати олган, 116 нафар инсон эса ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Содир бўлаётган ёнгинларнинг 74,7 улушини аҳоли яшаш жойлари, ишлаб чиқариш қорхоналари ва маданий-маиший ҳамда маъмурий бинолар эса 2,1 улушини ташкил этмоқда. Бу ёнгинларнинг асосий сабаблари, оловдан эҳтиётсизлик

билан фойдаланиш, электр ускуналари, иситиш печларининг носозлиги ва болаларнинг шўхлиги сабабли юзага келмоқда.

Аҳоли яшаш жойлари, қорхона ва ташкилотларнинг хусусиятларини ўрганиш мобайнида ёнгин ўчириш техникаларини жойлаштириш вақтида халақит берувчи 1430 та тўсиқларнинг олиб ташланишига эришилди. Носоз ҳолатда бўлган 1594 та ерости суволгичлари ва 805 та ҳовузлар таъмирланган бўлса, 94 та ерости суволгичлар, 59 та ҳовуз ҳамда 11 та пирс янгитдан қуриди.

Ҳар йили қиш мавсуми бошланиши олдидан мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши бежиз эмас. Кузги мавсуми бошланиши билан жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаган ҳолда иситиш тармоқлари ишга тушириб юборилди. Бу эса ёнгин келиб чиқиш хавфини кучайтиради.

Юқорида баён этилганларни инobatга олиб, қуйидагиларни ёдда тутиш зарур:

— Носоз печкалардан фойдаланмаслик, ёқилган иситиш воситаларини назоратсиз қолдирмаслик;  
— ёниб турган газ плита-

си устида кир қуритмаслик;

— ёш болаларга газ печкалари ва ўчоқларга ўт ёқишни буюрмаслик, уларнинг гугурт ва олов билан ўйнашига йўл қўймаслик;

— печка ва ўчоқларга ўт ёқиш учун бензин, керосин ва солярка каби тез аланга олувчи воситалардан зинҳор фойдаланмаслик;

— қўлбола усулда ясалган электр асбобларидан ва газга мослаштирилган иситиш воситаларидан фойдаланмаслик;

— электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта электр асбобларини улаб ишлашмаслик;

— электр тармоқларини таъмирлашда мутахассис хизматидан фойдаланиш, тақсимлаш қутиларида ноштандарт сақлагичларни ўрнатмаслик;

— уйдан чиқиш вақтида газ ва электр воситаларини ўчиришни унутмаслик;

— уйда газ ҳиди сезилган тақдирда портлашнинг олдини олиш мақсадида электр чироқларини ёқмаслик, гугурт қақмаслик;

— тандир ва ўчоқларни ўтинхона ва сомонхоналар билан ёнма-ён қурмаслик,

газ қувурларига резина шланг улаб фойдаланмаслик;

— ёнгин қиканда зудлик билан «01» телефони рақами орқали ёнгин хавфсизлиги хизматига хабар бериш;

— Маҳалла, гузар, кўча ва хонадонларга олиб борувчи йўллар ҳамда ёнгинга қарши сувар манбаларини вақтинчалик иншоот ва иморатлар қуриш орқали тўсиб қўймаслик ва ёнгин содир бўлганда ёнгин хавфсизлиги бўлиналарини кутиб олиш;

Азиз юртдошлар!

Ўтказилаётган ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида сиз ўз хонадонингизда ва иш жойингизда электр ва газ ускуналари яна бир бор кўздан кеңиб, уларни ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга келтириб қўйсангиз, тилсиз офатнинг олдини олган бўласиз. Бу билан ўзингизни, ён атрофдагилар ҳаётини, давлат ва шахсий мулкнингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Мирюсуф ФУЛОМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирилик  
ёнгин хавфсизлиги бош  
бошқармаси бош  
мутахассиси, майор.

Илгариги даврларда ФХДЭ идоралари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида маълумоти етарли бўлмаган ёки ўзбек тилини билмайдиган ходимлар ишлаган. Шу сабаб ҳозирда кўпгина юртдошларимизнинг паспортда исми-фамилияси ва отасининг исми хато ёзилган. Энг ачинарлиси, қачондир йўл қўйилган хатolikлар ҳужжатдан ҳужжатга, отадан болага, неварига ўтиб, ҳамон такрорланиб келапти...

Республикаимиз мустақилликка эришгач, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари ҳақида тасдиқланган низомида тизимни малакали юридик маълумотли ходимлар билан тўлдириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Ҳозирда ФХДЭ идоралари мудирларининг барчаси соҳада камида икки йиллик иш-тажрибасига эга, олий юридик маълумотли мутахассислардир. Ўз ишини уддалай олмаётган, маълумоти етарли бўлмаган ҚФЙ раисларидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳаракатлари шу туман ФХДЭ идорасига марказлаштирилган ҳолда қайтариб олинди. Шундай экан, бугунги кунда паспорт ва шахсга доир бошқа ҳужжатларда хатолар учраш-учрамаслиги, олдинги нуқсонларнинг тўғрилан-ниш-тўғриланмаслиги ушбу идораларнинг ходимлари саводхонлигига, қолаверса, ўз ишига масъулият билан қарашига боғлиқ.

Қачонлардир туғилганлик гувоҳномасида йўл қўйилган хатolik вақти келиб шаҳодатнома, паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, диплом ва шу каби бошқа ҳужжатларга кўчади. Арзимаган

лоқайдлиги бепарволик туфайли ота-она паспортдаги хато аввал фарзандиникига, кейин неварасиникига ўтади. Шу тариқа Жуманиёзов ўрнига Джуманиязов, Ортиқов ўрнига Артиқов, Йўлдошев ўрнига Юлдашев, Тўхтаев ўрнига Тохтаев ёки Тахтаев, Ўлмасов ўрнига Улмасов бўлиб ҳужжатларда такрорланаверади. Бу бир томондан фамилия эгасига, унинг бобосига ҳақоратли бўлса, бошқа тарафдан баъзан кишини ноқулай ҳолатларга тушириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Ваҳоланки, 1989

**Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.**

**Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди.**

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, I боб, 4-модда)

релдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш» қоидаларининг 23-бандига му-

лов», ота исми «Жўрабек ўғли» ёки «Жўрабекович» деб тўғрилаб ёзилиши мумкин. Лекин ота устундаги маълумотлар ота пас-

# ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНДМИ?

йили «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, ушбу меъёрий ҳужжатнинг 15-моддасига

вофик, болага ота исми унинг отаси исмига кўра берилди. Агарда

порти асосида ўзгаришсиз, яъни «Джуманиязов Джўрабек Камилевич» шаклида қайд этилади.

отасининг исми қисқартирилиб ёки имло хатолар билан ёзилган бўлса, гувоҳномага тўғрилаб ва тўлиқ қилиб қайд этилади. Отаси ҳақида маълумотлар эса туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида

ФХДЭ ходимлари янги туғилган чақалоқнинг фамилияси, ота исмидаги имло хатolikларни тўғрилаб ёзиш ёки ота исмини русча «ович», «овна» ўрнига миллий анъаналарга мувофиқ «ўғли», «қизи» тарзида ёзиш мумкинлигини тушунтирса-да, фуқаролар гувоҳномани иккинчи ёки учинчи фарзандига олаётганини сабаб қилиб кўрсатиб, аввалгилариники каби ўзгаришсиз ёзишни сўрайди. Айрим ота-оналар эса МДХ давлатларига чиққанда тушунмовчилик юзага келишининг олдини олиш мақсадида болаларининг фамилияси ва ота исмини ўз ҳужжатларидагидек айнан, яъни барча хатolikлар билан ёзилишини талаб қилади. Мавжуд тартибларга биноан,

ва гербли гувоҳномада отанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ўзгаришсиз ёзилади. Масалан, отанинг паспортда Джуманиязов Джўрабек Камилевич деб ёзилган бўлса, янги туғилган боланинг фамилияси «Жуманиёзов» ёки «Коми-

ва гербли гувоҳномада отанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ўзгаришсиз ёзилади. Масалан, отанинг паспортда Джуманиязов Джўрабек Камилевич деб ёзилган бўлса, янги туғилган боланинг фамилияси «Жуманиёзов» ёки «Коми-

## НИГОХ

фуқаролар ўзлари ариза билан мурожаат қилмагунча, ФХДЭ идораси ходими имловий хатolikларни ўз ташаббуси билан тузатишга ҳақли эмас. Шу боис фалати исми-фамилияларнинг «яшовчан»лиги, авлодлар оша такрорланиб бораётгани кўп жиҳатдан халқимизнинг ўзига боғлиқ.

Янги туғилган чақалоққа берилган гербли гувоҳнома фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилганининг қонуний тасдиғидир. Далолатнома ёзуви эса давлат аҳамиятига молик, 75 йил сақланадиган ҳужжат ҳисобланади. Шундай экан, фарзандларимизга исми-фамилия ва ота исмини беришда етти ўлчаб бир кесиш лозим. Бугунги кунда барча ФХДЭ идораси ходимлари «Ўзбек исмларининг изоҳли лугати» билан таъминланган. Исм ҳам инсоннинг хусуси саналади. Қолаверса, киши номи унинг тақдиридаги айрим кечмишларга сабаб бўлиши мумкинлиги кўп мартаба исботини толган...

Кунда-кунора жаҳоннинг қайси бир минтақасида Ўзбекистон байроғи кўтарилса, фарзандларимиз спорт ёки бошқа жаҳаларда зафар қучади, юксак минбарларда исми-шарифи жаранглайди, шу орқали ўзбек тили ҳам катта давраларда янграйди... Ўғил-қизларимиз исми жисмига монанд бўлиб, мазмунли, чиройли ўзбекнома номлар билан дунёга танилса, дейимиз.

**Ш. СУЛТОНМУРОВОВ,**  
Хоразм вилоят адлия бошқармасининг нотариат, ФХДЭ ва адвокатура бўлими бошлиғи, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.

## Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомилий кўрсатишни кафолатлайди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VI боб, 22-модда)

Одам савдоси жинояти ҳозирги даврда дунё миқёсида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, Ўзининг микдор кўрсаткичлари ҳамда салбий оқибатлари билан ҳар қандай жамият-

сиясининг б2-режалаштирилган кенгаши резолюцияси билан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланган БМТ трансмилий уюшган жиноятчи-

# ОГОҲ БЎЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

нинг ривожланиши учун жиддий тўсиқ бўлмақда. Унга қарши кураш борасида нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, кенг жамоатчилик ҳам фаоллик кўрсатиши талаб қилинаётгани бежиз эмас. Чунки бу глобал муаммо сифатида жаҳон аҳлини ташвишга солаётир.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда, аввало, унинг норматив ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Айниқса, бу борада республикамизда қўрилаётган чора-тадбирлар, амалий ишлар эътиборга моликдир. Жумладан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодексига илк бор одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Мазкур жиноят инсон ва унинг шаъни, кадр-қимматига жиддий хавф солаётган халқаро миқёсда уюшган жиноятчилик қўрнинишнни олаётган ижтимоий хавфли қилмишлар сирасига кириб, унга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик талаб этилади.

2008 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун, шунингдек, 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси 55-сес-

лика қарши кураш ҳақидаги Конвенциясини тўлдирувчи «Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхта-тиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги баённомасининг 3-моддасига кўра: «Одам савдоси деганда, фойдаланиш мақсадида куч ишлатиш таҳдида ёки уни қўллаш ёки ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистемол қилиш, вазиятнинг заифлигидан фойдаланиш йўллари билан ёки тўлов ёҳуд тўлов кўринишидаги пора эвазига бир шахсни назорат қилувчи бошқа шахс розилигини олиш орқали одамларни ёллаш, ташвиш, бериб юбориш, яшириш ёки уларга эга бўлиш тушунилади». Одамларни ёллаш деганда, турли мақсадларда фойдаланиш учун шахсларни излаб топиш ва қандайдир фаолият билан шугулланиш учун улар билан олдиндан бирор бир (оғзаки, ёзма) битим тузилишини тушу-ниш лозим. Одамларни ёллаш усулла-



## ОДАМ САВДОСИ

ри ҳам турлича: юқори иш ҳақи, моддий манфаатлар, яхши меҳнат шароити, муайян имтиёзлар ваъда қилиш ва ҳ.к. кўринишда бўлиши мумкин, аммо улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Бошқа мақсадларда фойдаланишда жабрланувчи ёлловчининг хоҳиш-истағи билан бирор бир фаолият билан шугулланишга мажбур бўлади.

Субъектив томондан жиноят тури қасддан содир этилади. Ушбу жиноят субъектив томонининг зарурий шарты — мақсаддир. Мақсад шахвоний ёки бошқа гаразли ниятларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш жиноятининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб, одамларни ёллаш (ЖК 135-модда 2-қисми «б» банди) деганда, одамлардан шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун уларни биргаликда ёллаш тўғрисида олдиндан тил бириктириб, икки ёки ундан ортиқ шахсининг ана шундай фаолиятда иштирок этишини тушуниш лозим. Бунда тил бириктириш одамларни ёллашдан аввал рўй берган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига одам савдоси учун жавобгарликини белгилувчи жиноий ҳуқуқий нормаларнинг такомиллаштирилиши натижасида одам савдосига қарши курашиш фаолияти самарадорлиги оширилди. Бу эса барча тарафларга катта масъулият ва жавобгарлик юқлайди.

**НОЗИМА ЭРНАЗАРОВА,**  
Дилноза ЯРМАТОВА,  
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари.

## МУНОСАБАТ

### МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИБ, БОТМОНЛАБ СОВУРМАҒ

Халқимиз ҳаммиса юртга дастурхон ёзиб, «Шодлиғмин эл билан баҳам кўрсам», дея орзу қилади. Аммо бу эзгу орзу азиз умримизни ҳою ҳаваслар гирдобда қолдириш эвазига бўлса-чи...

Никоҳ тўйи икки ёшнинг аҳди асосига қурилади, албатта. Бироқ кейинги пайтларда ота-оналарнинг кимўзар пойгасини ҳам эслатмоқда. Мол-мулк талашишлар оқибатида ёш оилаларнинг турмуши бузилиш ҳолатлари кузатиляпти. «Киз мебель жиҳозларидан тортиб, уйнинг майда-чуйда буюмларигача олиб келиши керак» деган нотўғри фикрлар ҳам урчиб бораётир. Кўёв тараф келин томонга бемалол ўз талабларини қўйиши, ҳатто қўлларга рўйхат тутказиб, ёзилган нарсаларни муҳайё қилиш шартлигини уқтириши одатга айланаяпти. Устига устак, айрим юртдошларимизнинг қарз-хавола қилиб бўлса-да, дабдабали тўй ўтказиб, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўяётгани ачинарлидир.

Андихон туман ФХДЭ бўлимида янги оила қуриш истағидаги шахсларга тўй кунни машиналар сонини 2-3 тадан оширмастик, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймай, икки томон ўзаро келишиб, тўйни ихчам қилиб ўтказиш лозимлиги, бу ҳамма учун фойдалилиги тушунтирилмоқда. Қолаверса, туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган тўй комиссиялари ва маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда тўй-ҳашамларни, маросимларни тартибга солиш, дабдабаозликнинг олдини олиш, аксинча, уларни ихчамлаштириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Халқимиз ҳам умр бўйи мисқоллаб йиққанини бир-икки кунда ботмонлаб совуриш ҳеч бир ақлга тўғри келмаслигини англаб етапти.

**Барноҳон РАСУЛОВА,**  
Андихон туман ФХДЭ бўлими мудир.

— Анор ака, бугунги ўзбек санъатини эстрадасиз тасаввур этолмаймиз, албатта. Аммо ҳозир ҳар қандай энгил-елпилик ҳам шу йўналиш номи билан оқланаётгандек, назаримизда. Мутахассис сифатида айтинг-чи, эстраданинг қатъий тамойиллари, талаблари борми, ўзи?

— Эстрада оммавий мусиқий йўналиш бўлиб, унинг жанрларида ўзбекона оҳанглар билан ҳам етук асарлар яратиш мумкин. Фақат бунинг учун композитор, шоир ва ижрочи ўзаро бир-бирларини тушуна олишлари керак. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Нуриддин Ҳайдаров билан жудаям яхши, сермахсул ижод қилганмиз. Унга қирққа яқин кўшиқ ёзиб бердим. Санъаткорнинг ижро имкониятини инобатга олган ҳолда, ўзбекона куйлар асосида турли жанрларда кўшиқлар ёзиб, эксперимент қилиб кўрганмиз. Айтайлик, «Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан» — танго, «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» — баллада, «Отанга балли, онанга балли» кўшиги эса ҳозир «реп» дейилаётган жанрнинг биздаги дастлабки намуналаридан... Эсингиздами, «Эшмат ўгли Мамажон! Менман, лаббай, домлажон...» деб бошланадиган кўшиқ. Ёки олайлик, Тошпўлат Маткаримовга атаб ёзилган «Оҳангарон ўлани» рокн-рол йўналишига хос. Кейинги йилларда унга «бегин» деган ритмик йўналишда ҳам кўшиқлар ёздим. Миллий эстрада жанр жиҳатидан хилма-хил ва айна пайтда оммавий, яъни етти ёшдан етмиш ёшгача мўлжалланган бўлиши керак. Менимча, эстрадалда ўзига хос овоз ва тембрлар ранг-баранглиги муҳим. Масалан, француз кўшиқчиси Жоз Дассининг овози у қадар баланд эмас, лекин бошқаларникига ўшамайдиган хусусияти билан машҳур. Севимли хонандамиз Насиба Абдуллаеванинг овоз диапазони ҳам унчалик катта эмас, аммо жуда майин, бегубор ва қандайдир сеҳри бор.

Профессионал бастакор симфоник оркестрга ёки эстрада ансамблига кўшиқ яратар экан, жанр хусусиятлари ва ижрочи имкониятларини, албатта, ҳисобга олади. Бу борада истеъдод билан бирга тажриба ва билим ҳам муҳим ўрин тутлади. Акс ҳолда, миллий эстрадани ҳар хил бетайин, ёт оҳанглар босиб кетади. Турк, эрон, араб, ҳинд мўсақаларидан кўчириб, кўшиқ ясаб олиш одат тусига киргани ҳам шундан. Оқибатда, миллий эстрадамиз ҳақида яхши-ёмон гаплар қулоққа чалиниб қолапти. Лекин, худого шукр, яхши асарларимиз, иқтидорли ижодкорларимиз ҳам кўп. Ёшларимиз орасидан янги-янги истеъдодлар етишиб чиқаяпти. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ниҳол» сингари мукофотлар анъанавий равишда тақдим этиб келинаёпти. Консерваторияда, Санъат институтида, ҳатто лицей ва коллежларда ҳам эстрада факультетлари фаолият юритмоқда. Худо хоҳласа, булар ўз мевасини беради, албатта. Фақат бироз вақт керак. Умуман олиб қарайдиган бўлсак, бутун жаҳонда ҳам бу соҳа жудаям илгариллаб кетгани йўқ. Ҳозир ҳамма жойда шундай жараён кечаяпти. Чунки чинакам истеъдод, ҳақиқий даҳолар неча юз йилларда бир марта дунёга келилади. Яхши асар ҳам ўз-ўзидан ёзилавермайди. Ҳозирдан биттаси ё жуда бора беш-ўнтаси зўр чиқиши мумкин. Кейин, ташвиқот-тарғибот масаласида ҳам гап

Анор Назаровни танимайдиган, унинг номини эшитмаган юртдошларимизни топиш мумкин, аммо халқимиз орасида бу композитор яратган кўшиқларни тингламаган, киргойи қилмаган бирор бир киши топилмас керак. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!», «Ўзбекистон муштарак», «Агар жаннат ерда бўлса...», «Ифтихор» (Ўзбекистон вальси), «Ватан азиздир», «Жон Ўзбекистон», «Она тулрок», «Нозланажақдир», «Дўлана», «Аразлама», «Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан» сингари юзлаб кўшиқларнинг дунёга келиши, халқимизнинг кўнгил мулкига айланиб кетиши Ўзбекистон санъат арбоби, «Фидокорона хизматлари учун» ордени ва Давлат мукофоти соҳиби, таниқли композитор Анор Назаров номи билан боғлиқ, шубҳасиз.

кўп. Битта ё иккита кўшиқни компьютер ёрдамида ёзиб, нари-бери куйлаб юрганларни журналистларимиз «юдуз»га айлантириб қўйишади. Уларнинг шахсий симпатиясини бутун халқнинг хоҳиш-иродаси сифатида тақдим этади. Натижада, «эстрада» дейилганда, аввало, ана шундай чаласавод кўшиқчилар кўз ўнгимизга келади дегани бўлиб қолган.

— Мутахассис сифатида ҳозирги қайси санъаткорларимиз ижодини эътироф этган бўлардингиз?

— Раҳматли Дилнура Қодиржонова тақдорланмас овоз соҳиби эди. Мумтоз йўналишда кўшиқ айтадиган хонандалар — Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Ўлмас Саиджоновнинг ҳеч кимнигина ўшамайдиган хониши бор. Операда ҳам кўплаб ёшлар етишиб чиқаяпти. Ёш эстрадчиларимиздан Гулсанам Мамазоитова, Лола Аҳмедова каби ижодкорлар билан ҳамкорликда бир қанча асарлар ёздик...

— Ижрочилар билан иш-

АНОР НАЗАРОВ:

## ЖИМЛИКДАН ҚЎРҚАМАН...

лашда нималарга эътибор қаратасиз? Басталаган кўшиқчининг тўғри келган санъаткорга беравермасангиз керак?

— Йўғ-а, худо сақласин. Менга мурожаат қиладиган ёшлар кўп. Аввал тинглаб кўраман, шундан кейингина бирга ишлашга розилик бераман. Агар у шунчаки хаваскор бўлса, «Ука, ё синглим, бориб кўлингиздан келадиган бошқа ишни қилганингиз маъқул», деб қайтарган пайтларим ҳам бўлган. Эсимда, бир қизга кўшиқ ёзиб, сўнг неча кунлар ухлолмасдан, виждоним қийналиб юрганди. Чунки уни биринчи марта эшитиб кўрганамда, овози яхшидек туюлган ва ёзишга рози бўлган эдим. Кейин эса...

— «Ўзбекистон — Ватаним меним» сингари ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар танловлари ўтказилиб келинаётгани яхши, албатта. Табиийки, хонандалар шу мавзуда ҳамкорлик қилиш истига билан сизга ҳам кўп мурожаат қилса керак. Нима деб ўйлайсиз, танловлар асосида Ватан ҳақидаги бир хил кўшиқлар қўлайиб кетмаяптимики?

— Йўқ. Нега энди?! Шахсан мен асарларимни ҳар бир хонанданинг овоз имкониятларидан, унинг ўзига хос табиатидан



Назаримда, оилада энг муҳим нарса шу — ҳамфикр бўлиш, ўзаро бир-бировини тушуниш ва қўллаб-қувватлашдир. Ана шундай тамойил асосида қурилган оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлади.

келиб чиқиб ёзаман. Мана, хоҳласангиз, ҳозир Ватан ҳақидаги бир неча кўшиқларимни кўйиб бераман (суҳбатдошимиз ижодхонасидаги компьютерда улардан бир нечасини кўйиб, бир-бирига солиштирдим). Масалан, мана бу хонанда қизимиз водийдан, буниси эса хоразмлик. Иккаласининг овози, куйлаш услуби бир-биридан фарқ қилади. Ёки Тошпўлат Маткаримовни тинглаб кўринг. Унинг йўналиши умуман бошқача. Айтайлик, Муюссар Раззоқовага кўшиқ ёзсам, бутунлай ўзгача ёндашаман. Биласиз, унинг овоз диапазони жудаям баланд... Лекин, умуман олганда, Ватанини мадҳ этаётганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим, матни, оҳангини чин дилдан, юракдан ҳис қилиб, самимий айтиш керак. Шундай хонандаларимиз борки, айтаётган кўшиқларининг сўзини ҳатто ўзи ҳам тушунмайди. Овоз ёзиш студиясида қозоғга қараб ижро этади. Кўзи, хаёли қозоғда бўлади ва кўшиқ гоёсини, моҳиятини ҳис қилмайди. Мен бундай «санъат-

кор»ларни мутлақо тушунмайман. Ахир, ўзинг англамаган нарсани қандай қилиб тингловчига юқтира оласан?! Шу боис мен хонандалар кўшиқни тўла-тўқис ўзлаштириб олгангина студияда ёзиб олишга руҳсат бераман.

— Сизда мусиқа ёзиш жараёни қандай кечади? Оҳанг, куйлар қулогингизга қачандими? Ёки ноталар тасвири кўз олдингизга кела бошлайдими?

— Бу ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолат-да! Кўпинча кўчада кетётган пайтимида ёки кайфиятим яхши бўлса, бирдан оҳанглар қулогимга чалингандек бўлади-ю, дарров ноталарни ёзиб қўйишга ҳаракат қиламан. Кейин ижодга ўтирганимда у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, қозоғга тушираман. Ёки бирор шеър ўқиётсам, уни мана бунақа кўшиқ қилса бўларкан, деган фикр туғилади-да, шоирни топиб, маслаҳатлашаман, баъзи жойларини ўзгартириш керак бўлса, илтимос қиламан, шу тариқа янги бир асар пайдо бўлади.

ГРУПНИ

Масалан, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Анвар Обиджон, раҳматли укамиз Мухаммад Юсуф билан жудаям самарали ҳамкорлик қилганмиз. Жуманиёз Жабборов билан ҳам бир-биримизни жуда яхши тушунамиз. Биргаликда кўплаб кўшиқлар яратдик.

— Тарихдан биламизки, ҳар бир буюк композиторнинг ўзига хос феъл-атвори, бошқалар тушунмайдиган, ҳазм қила олмайдиган томонлари бўлган. Шахсан Анор Назаровнинг бошқаларга галати туюладиган, ўзига хос қандай характери бор?

— Товушлар дунёси бу — энг тоза дунё. Шунинг ичида юрганим учунми, ким бўлишидан қатъи назар, барча инсонларни яхши кўраман. Ҳеч кимга гаразгүйлигим йўқ. Ишлаётган, мақсад сари интилаётган одамларни ҳурмат қиламан. Масъулиятсиз, ялқов одамларни эса жиним суймайди. Қариндошимми, таниш-билишимми, менга барибир, у билан алоқани узаман-қўяман. Ким билади, яхши-ёмонми, лекин бу одатимни ташлолмайман.

— Сиз доимо оҳанглар, товушлар, овозлар қуршовида яшайсиз. Буни касбингиз тақозо этади. Баъзан жимлик, сокинлик қўйишда холи қолдингиз келмайдими?

— Бирор оғайним ёки танишларимнинг машинасига чиқиб қолсам, «Илтимос, кўшиқни ўчириб қўйинг», дейман. Чунки сокинликнинг ўзи ҳам мен учун бир мусиқа. Лекин узок жимликдан ҳам кўрқиб кетаман. Шунинг учун бўлса керак, баъзан ухлаётганимда ҳам телевизорни ёқиб қўяман. Кўпинча чарчасам, балиқ овига бориб маза қилиб дам оламан. Ёшигимда кўпроқ тоққа чиқиб кетардим. Табиат қўйишда палатка қуриб, икки хафталаб яшаб келардим.

— Бирор асарингизнинг яралишига оила аъзоларингиздан кимдир таъсир қилганми? Умуман, хонандонингизда мусиқий тарбиянинг ўрни қай даражада?

— Оила аъзоларимизнинг барчаси мусиқа шайдолари. Янгангиз Матлубахон — консерваториянинг виолончель курсини тамомлаган биринчи ўзбек қизи. Тўнғич ўғлим Дилшоджон Париж олий консерваториясини битирган. Виолончель бўйича ижод қилаёпти, «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлди. Республика ва халқаро миқёсдаги бир қанча кўрик-танловларда голибликни қўлга киритган. Кичик ўғлим Қахрамон ҳам Успенский номидagi мусиқа мактабида пианино бўйича ўқиган эди. Бироқ Миллий университетнинг тарих факультетида ўқишга кириб, ҳозир келишимиз Динараҳон билан магистратура босқинида тахсил оляпти. Уйимдагилар — менинг биринчи тингловчиларим, илк бадийи кенгашим ҳам шулар. Мутахассис бўлганлари, санъатни чуқур ҳис қилганлари учун уларга бемалол ишонаман. Назаримда, оилада энг муҳим нарса шу — ҳамфикр бўлиш, ўзаро бир-бировини тушуниш ва қўллаб-қувватлашдир. Ана шундай тамойил асосида қурилган оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлади.

Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

## 14 ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ СОЛИҚЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Бугунги тараққиёт даврининг талаби жиддий: ҳар қандай соҳада рақобат муҳити шаклланиши ва табиий равишда кучайиши кераклиги ҳаммамизга аён. Шу маънода мамлакатимизда ҳам юқори сифатли, рақобатбардошли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шунингдек, уларнинг турларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг қувонарли жиҳати, бир замоналар тайёр ноозик-овқат товарлари дунёнинг қайсидир бурчагидан келтирилган бўлса, истиқлолимиз берган улкан имкониятлар боис ана шундай ҳар томонлама сифатли ва жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган маҳсулотлар республикамизнинг маҳаллий корхоналарида тайёрланмоқда.

Маълумки, бевосита Президентимиз ташаббуси билан юртимизда янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини эса қайтадан модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш орқали халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар эндиликда ўз самарасини бераёттир. Юқорида алоҳида таъкидлаб ўтилган амалий фаолият турлари билан шуғулланаётган корхона ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлашда пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам яқиндан кўмак беришмоқда. Ҳукуматимиз қарорига асосан, туманимиз ҳудудига фаолият юритаётган 14 та корхона фойда, мулк солиқлари ҳамда ягона солиқ тўловлари ва айрим мажбурий ажратмалардан озод этилди. Энг асосийси, тежалган маблағлар корхоналар ихтиёрида қолдирилиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга сарфланди. Бу эса Бандлик дастурида белгиланган изчил мақсадларни амалга оширишга қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ботир МУҚИМОВ,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

## БЕПУШТЛИКНИНГ ЧОРАСИ БОР!

«Оила курганимизга беш йил бўлди. Аммо ҳали-ҳануз фарзандимиз йўқ. Аёлим билан текширувга борсак, шифокорлар менда нуқсон борлигини айтишди. Сиздан илтимос, эркаклар бепуштлигининг давоси борми? Тез орада фарзандли бўлишимиз учун қандай йўл тутишимизни маслаҳат берасиз?»

Собир, 34 ёш.  
Новоий шахри».

### Саволга «ДОКТОР—Д» госпиталининг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ИРГАШЕВ жавоб беради:

— Аввало, бепуштлиқ ҳақида тўхталайлик. Илгари эр-хотиннинг фарзандсиз никоҳ даври тўрт йилга етмагунча, шифокорлар уларни текширмаган. Кейинчалик бу муддат уч йилга, яна кейинроқ эса икки йилга қисқарди.

Ҳозирда ҳомиладорликдан сақланмай туриб, бир йил давомида муттасил жинсий ҳаётдан кейин ҳам фарзанд бўлмаса, бепуштлиқ масаласини қўйиш ҳамда эр-хотинларни тиббий кўриқдан ўтказиб, даволашни бошлаш керак деб ҳисобланмоқда. Бу муддат, яъни бир йил статистик таҳлиллар асосида белгиланади. Ҳозирда эр-хотин жуфтлигининг 20 фоизда ҳомиладорлик биргаликда кечган ҳаётнинг дастлабки уч ойида, 60 фоизда кейинги етти ой давомида, қолган 20 фоизда эса жинсий ҳаётнинг 11-12-ойларида содир бўлиши тиббиётда тасдиқланган. Шундай қилиб, бир йил жуфтликнинг фертиллиги (бола кўришга қобиллиги)ни аниқлаш ҳамда шу давр мобайнида ҳомиладорлик содир бўлмаса, бепуштлиқ тўғрисида фикр юритиш учун етарли муддатдир.

Энди Собиржоннинг саволига келадиган бўлсак, эркаклар бепуштлигини даволаш уролог, андрологларнинг вазифасига киради. Баъзан яллиғланишга қарши оддий даволаш ҳам спермограмма кўрсаткичларининг анча яхшиланishiга сабаб бўлади. Бепуштлиқнинг айрим эндокрин шакллари даволашда гормонлардан фойдаланиш катта самара беради. Жуда кам ҳолларда бундай беморларда жаррохлик операциясини амалга ошириш талаб этилади. Бу кўпинча тухумдонлар томирларининг варикоз кенгайиши туйғайли амалга оширилади. Айтиш лозимки, бундай операциядан кейин спермограмма кўрсаткичларининг яхшиланishi учун бемор 18-20 ёшдан ошмаган бўлиши керак. 24-25 ёшдан кейин эса бундай операция нафақат самарасиз кечиши, балки спермограмма кўрсаткичларининг янада ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Очигини айтганда, бепуштлиқни даволаш самарадорлиги жуда юқори эмас, яъни 8-15 фоизни ташкил этади, холос.

Эркаклар бепуштлигини даволашнинг энг самарали усули ЭКУ (экстракорпорал урулантириш) бўлиб, у ИКСИ билан қўшиб олиб борилса, самарадорлиги янада ортади. Айтилайлик, аёл соғлом фарзанд кўриш қобилиятига эга, лекин эркакнинг манйиси миқдори жуда кам. Бундай ҳолатда биз микроскоп кўмагида эркак шахватида мавжуд ўша санокли сперматозоидларни топиб, аёл тухумхужайраси билан «қовуштираемиз». Бир неча кундан сўнг етилган ҳомила она раҳмига кўчирилади. Ёки сперматозоидлар миқдори бир қадар кўп, лекин насл қолдириш учун барибир етарли эмас, дейлик. У ҳолда, маълум бир вақт мобайнида эркак уруғлиги клиникада йиғиб борилади. Микдор етарлича бўлгач, улар орасидан энг соғлом, харақатчанларини танлаб олиб, она раҳмига юборилади. Ҳомиладорлик табиий шароитда юзга келади.

Биз ҳозирги кунда клиникамиздаги сперматозоидлар сифатини аниқлаб берувчи махсус тиббий ускунамиз кўмагида тамомилан нажотсиз саналган шахват суюқлиги орасидан ҳам ҳеч йўқса бир донга етилган хужайра топиш имконига эгамиз. Бу эса мутахассис учун етарли ва ўша эркакнинг яқин келажақда ота бўлиши ва ўз пушти камаридан бўлган фарзандини бағрига босишига умид беради. Мазкур технология интроцитоплазматик инъекция (ИКСИ) деб аталади. Албатта, бу борадаги изланишлар ҳали давом этмоқда. Дунё олимлари изланаяпти. Биз ҳам изланаяпмиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА  
тайёрлади.

Бу борада бизнинг «DOCTOR—D» ихтисослаштирилган клиникамизда келажак муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).  
E-mail: hospital@doctord.uz  
URL: http://www.doctord.uz

Лицензия № ПЮ-2876.

## «NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»

### Сизларни соғломлаштириш курсларига таклиф этади!



Агар ўзингиз истасангиз ўз дардингиздан халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Бизнинг марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, кўп вақт дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашилади.

#### «Хотиржамликка эришдим»

Мени бир неча йиллардан бери камқонлик, қувватсизлик, чап оёғимнинг огриши безовта қиларди. Академик М.С.Норбеков услуби бўйича 10 кунлик соғломлаштириш курсига қатнашиб катта доридан қутулдим. Ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Ҳозир танамда ҳеч қандай огрик безовта қилмаяпти. Бундан ташқари, асаб тизимим фаолияти меъёрига тушиб, анча тетиклашганимни сездим.

Анзират, Тошкент шаҳри.

#### «20 ёшга ёшардим»

Соғломлаштириш марказида курсда иштирок этиб, 10 кун давомида 20 ёшга ёшардим. Кайфиятим кўтарилиб, юрак ўйнаши ва сиқилиши, қон босими каби касалликлардан бутунлай фориғ бўлдим. Миямдаги қон айланиш тизими ҳам яхшиланди.

Мухтасар, Сирдарё вилояти.

Кейинги соғломлаштириш курслари  
2 декабрь куни соат 10<sup>00</sup> да бошланади.

Биринчи кун кириш бепул.

#### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри,  
Чўпон ота кўчаси, 23-«а» уй.  
Мўлжал: метронинг М.Улугбек бекати,  
9 қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.  
Батафсил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.  
www.norbekov.uz e-mail: madadi\_sino@mail.ru

Гўвухона № 800162.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Тўқувчилик — 2 ой.
Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш.	Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Хамшира (тезкор) — 3 ой.	Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқталар — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.	Арабча ва миллий рақс — 3 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Барчаси амалиёти билан
Педикюр, маникюр — 1 ой.	Ётоқхона мавжуд.
Сартарошлик — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия хисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзё, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида.  
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),  
(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

## «EURO PLUS»

САЛОНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Малайзия, Туркия, Корея мамлакатларидан келтирилган бежирим ва бетакорор тўй либослари;

Соч турмаклаш;

Маникюр, педикюр, макияж хизматлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси. Мўлжал: «Сулдола» ресторани.

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 156-20-81  
(+99897) 158-02-80



Тошкент шаҳар Чилонзор туманида 2007 йил 21 февраль реестр №002723-08 рақами билан рўйхатдан ўтган «Малика Гул Чехралар» МЧЖ фирмаси тугатилади. Мурожаат учун телефон: 704-66-14.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганида на саводхонликка, на мусиқа, на гимнастикага, ҳаттоки ишонда эзуликни мустаҳкамловчи помусга ҳам ўрғанмаган бўлур эдилар. Одатда помус ана шу машғулларнинг етарлилигидан дунёга келади.

ДЕМОКРИТ

...Уша куни Матлубаларнинг хонадонидида хурсандчилик қутлаётганди. Аммо бунинг акси бўлди: туғруқхонадан қайтган келинни уйдагилари хушламайроқ қарши олишди. Сабаби... туғилган тўртинчи фарзанд яна қиз эди!

Эр бўлмиш аразлаб кўчага отланди. «Дунёни қиз босиб кетди» — зарда қилди қайнона.

Худди шундай фикрлайдиганлар ростдан ҳам кўп: кейинги пайтда қизлар кўпайиб кетяпти, деган гапларни у ер-бу ерда эшитиб қоляпмиз. Хўш, далилларга мурожаат этайлик-чи, бу масалада Самарқанд вилоятда аҳвол қандай экан? Вилоятда ўтган йили 75123 нафар гўдак дунёга келган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 78002 нафарни ташкил қилган. Ушбу рақамлар жинсларга ажратилганда эса, 51,7 фоизга 48,3 фоиз билан ўғил болаларнинг кўпроқ туғилгани маълум бўлади.

...Бу оилада ўша оразиқиб қутилган хурсандчилик кунлари келди. Лекин гўдак кулгулари жаранглаши лозим бўлган хонадонда келинчакнинг зор-зор йиғлаши эшитилди. Гўдак туғилган, бир-икки кун ўтмаёқ навбод бўлганда... «Ушанда нега дўхтирларга қаратмадим-а», дея қўшилиб эзилди қайнона. Ростдан ҳам унинг кеч англаган ҳақиқатида жон бор эди.

Ўтган йили навбод бўлган гўдакларнинг 429 нафари ўғил ва 283 нафари қиз экан. Бунга асосий сабаб аёлларнинг ҳомилдорлик даврида хасталикка чалинишидир.

«Мен ҳам бошқа ўртоқларим каби яхши ўқишни, спорт тўғралашига қатъиян истайман. Болаларингизга ўзингиз қаранг-да!» дея ойисига зарда қилиб гапирди эндигина 10 ёшга кирган қизалоқ. Ахир, ҳали бола бўлиб, ўздан кейинги уч нафар укасига қараш унга ҳам малол келади-да. Лекин она унинг бу зардасини болаларча бебошликка йўлди. Билмадикки, бу унинг ҳар куни тўпланган аламларининг йиғиндиси эди.

Эътибор беряпсизми, оилалардаги қувончу ташвишлар ҳам

бир қараганда ҳамманинг ўзига тегишли. Лекин бу каби воқеалар йиғилиб, хурсандчилик ҳам, қайғу ҳам ҳамманикига айланаётганини баъзан биламиз, баъзан эса йўқ.

Очиги, ҳар биримиз оиламизда фарзанд туғилишидан аввал уни боқа оламани ёки тўғри тарбиялашга қурбим етармикан, деган саволларга жавоб

тиқомат қилган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 6 млрд. дан ошиб кетди. Шунинг учун ҳам «демографик портлаш», яъни аҳолининг тез суръатларда ўсиши ҳақидаги атама айнан XX асрда вужудга келган. Масалан, 10 минг йиллар олдин Ер юзиде 5 млн. гача аҳоли истиқомат қилган. Янги эрада дунё нуфуси 200-300 млн. га етган. Урта

## ФАРЗАНДИНИНГ СОНИ ВА ЖИНСИДАН КЎРА... СОҒЛИФИ МУҲИМ ЭМАСМИ?

топишга ҳаракат қилиб кўраимиз. Аммо жамият олдида бундан ҳам улканроқ ва долзарброқ масалалар ҳам кўндаланг туради: яъни дунёга келган болани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сифатли тиббиёт хизмати кўрсатиш, унинг таълим-тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳам давлат аҳамиятига молик ҳисобланади. Энди тасаввур қилайлик:

халқаро миқёсда оладиган бўлсақ, маъруз масалалар янада улканроқ кадр-кимматга эгаллиги янада ойдинлашади. Она табиат, Ердаги ресурслар инсоният яшаши шароитда яшаши учун етарли миқдордамикан, унинг тақсимланиши қандай кечади-ю, сизу биз нафас олаётган ҳавомизнинг мусоффолиги нелар билан ўлчанади?

Бундай муаммолар ҳақида ўйлаганда эса, албатта, мутахассисларга мурожаат этилади: хўш, аҳолининг ўсиш даражаси, яшаш шароити, келгусида қутилаётган натижалар қандай?

Агар 1900 йили Ер юзиде 1 млрд. 660 млн. нафар киши ис-

асрларда эса уруш ва турли эпидемиялар туфайли аҳолининг ўсиш суръатлари секинлашган.

Факатгина 200 йил аввал, «саннат инқилоби», яъни илм, фан, тиббиёт, иқтисоднинг ривожланиши туфайли демографик ўсиш кузати-



лади. Аҳоли ўсишининг бундай тезлиги ҳозир ҳам давом этмоқда.

Иккинчи ҳақон урушидан сўнг Осиё, Африка, Марказий ва Жанубий Америкада ҳалқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ёрдамида кўпгина касалликларга барҳам берилди. Юқори даражадаги ўлим ҳолатлари қамайди-ю, аммо туғилиш кўрсаткичи илгаригидай юқори даражада қолаверди. Шу давлатлар ҳисобига дунё миқёсда аҳоли кес-

кин суръатларда кўпая бошлади. Масалан, инсоният илк миллиардинчи инсонни 1830 йили қарши олган бўлса, кейингиси 100 йилдан сўнг, учинчиси 20 йилдан, тўртинчиси 15 ва бешинчиси 12 йилдан (1987 йил) сўнг қайд этилган.

долзарб бўлиб бормоқда. Аҳоли ўсиши янги чиқимлар, яъни «демографик инвестицияларни» талаб қилади. Шу муносабат билан иқтисодий ўсиш суръати табиий равишда пасаяди, гарчи миллий даромаднинг ўсиши катта кўрсаткичда бўлса-да, бу маблагларнинг ҳаммаси ўша даражани сақлаб қолиш учун ишлатилади. Шунинг учун ҳам аҳолининг бундай тез суръатларда ўсиши биз яшаб турган сайёрага нисбатан қутилаётган айрим хавф-хатарлар ҳақидаги башоратларнинг пайдо бўлишига ҳам тўртки берди десак янглишмаймиз.

Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир оилага фарзандлар сони ўртача уч нафарга тўғри келаётганини ҳисобга оладиган бўлсақ, бу дунё демографик жараёнида ижобий роль ўйнаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Чунки айнан шундай факторлар аҳоли саломатлиги, яшаш даражасининг ошиши ва, энг муҳими, келажақ авлодлар давомийлигини қафолатловчи омиллар сифатида этироф этилаётгани беҳиз эмас. Афсуски, бундай демографик жараёндан четда қолаётган айрим давлатлар бу борада жиддий муаммоларга дуч келаётгани ҳам сир эмас.

Бир қараганда, юқоридаги мисолларнинг аҳоли ўртасидаги демографик вазиятга қандай алоқаси бор экан, деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Лекин бугун фарзандларимизнинг сони ё жинсидан кўра, соғлом, баркамол бўлиб вояга етиши муҳим. Бу эса ота-онадан доимий эътибор, меҳр талаб этишини кўпчилик энди англаб етаётганини ижобий ҳодиса сифатида талқин этиш керак. Чунки ҳар бир ота-она, аввало, фарзандининг эртаси ёрқин бўлишини истайди. Бундай келажақ бўлгуси ота-оналарнинг фикр-дунёқарашини, савиясига ҳам бевоқифа боғлиқ эканини унутмайлик.

Гулрух МҶМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

### ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

#### ИРЛАНДИЯ УЧУН 90 МИЛЛАРД ЕВРО

Жаҳон молиявий инқирозидан зарар кўрган Ирландияга 80–90 миллиард евро ёрдам кўрсатилиши мумкин, дея ёзади «Agence France-Presse».



Ирландия ҳукумати Евроиттифокдан ёрдам сўраб расмий мурожаат этганди, ЕИ ва Халқаро валюта жамғармаси вакиллари бунга тайёр эканликларини зудлик билан маълум қилишди.

Оғир молиявий вазиятга қарамасдан, мамлакат ҳукумати корпоратив солиқларни ошириш имкониятидан қатъиян воз кечди. Ирландияда бундай солиқ тури 12,5 фоизни ташкил қилади, бу эса Европадаги энг паст кўрсаткичдир.

### ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Маълумотларга қараганда, 2010 йили Ирландияда бюджет дефицити ЯИМнинг 30 фоизидан ошади.

#### ТОЛИБОН ТЎДА- ЛАРИ ҚУРОЛЛА- РИНИ ТОПШИРДИ

Афғонистоннинг шимолидаги Боғлон вилоятда 13 та толибон тўдаси таслим бўлиб, масъул шахсларга қуроллари топширди.

Минтақа полиция раҳбари Абдул Раҳмон Раҳимий собиқ толибончилар учун ташкил этилган тадбирда «Етақчиси Мулла Гул Муҳаммад Нурий бўлган 13 та толибон тўдаси 21 ноябрь — яқшанба кунини қуроллари топшириб, тинч ҳаётга қайтди», дея маълумот берди. Раҳимий, шунингдек, худудда тинчлик барқарор бўлиб бораётганини таъкидлаган.

#### ТИРИК ЁЗУВЧИ- НИНГ УЙ-МУЗЕЙИ ОЧИЛАДИ

Перунинг маданият вазири Хуан Оссо 2010 йилги

### ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Нобель мукофоти совриндори, ёзувчи Марио Варгас Льос туғилган уйнинг музейига айлантирилишини маълум қилди.



Музей очилажак уй Арекипа шаҳридаги Парра проспектида жойлашган. Варгас Льос бу ерда умрининг биринчи йилинигина ўтказган, шундан сўнг уларнинг оиласи бобоси фахрий консуль этиб тайинланган Боливияга кўчиб кетади. Ўтган йиллар давомида уй эгалари бир неча марта ўзгарган, албатта. Ҳозирги соҳиблари, яъни хусусий компания ходимлари эса қачонлардир бу ерда йирик перулик ёзувчи оиласи яшаганини билишмас экан.

Хуан Оссионинг сўзларига қараганда, музей очилиши 2011 йилнинг охирига мўлжалланган.

Интернет жабалари асосида Фаррух МАНБОРОВ тайёрлади.

### ● АЖИБ ОЛАМ

#### ҲАЙВОНЛАР КИЙИНМОҚДА

Биласизми, «Goggles.com» компанияси ўз фаолиятини ҳайвонлар учун куёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнақлар сотиш билан бошлаган. Қарангки, айни кунда бу бизнес миллионлар айланмасини ташкил этмоқда. Бу ҳақда «CNN», «Women's World», «National Geographic» ва «Animal Planet» нашрларининг деярли ҳар сониде турли қизиқарли маълумотлар чоп этилиб турибди. Ҳозир одамлар ушбу компаниядан сезимли жониворларни учун кўзойнақлардан ташқари сафарҳалта, кутқарув жилетлари, футболка, келка, ўйинчоқ ва шу каби бошқа анжомларни ҳам харид қилишмоқда.



#### 64 МАРТА ЖАРРОҲЛИК СТОЛИДА?!

Перулик телебошловчи ва фотомодель Фульвия Селика Си-гуас Сандовал 64 марта жарроҳлик столига ётишга улгурган. Бу аёл Перу телевидениесиде афсунгарлик, олдиндан кўра билиш мавзусида кўрсатув олиб борарди. Шунча азоблардан сўнг ҳам бу иродали хоним Лима шаҳри мэрини сайлаш тадбиринда иштирок этишга ўзида куч топа олди. Дарвоқе, Фульвианинг номи энг кўп жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган аёл сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига ёзиб қўйилган.

Эътиборлиси, Фульвия хоним ҳали бу рекордни янгилаш ниятида.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИ

...Барнохон бугун одатдиган эр-тарок ишга отланди. Ҳаётининг йил-йилгунича кечагина сотиб олган «Халқ эртаклари» китобидаги саҳнавий кўри-нишларни қайд қилиб чиқмоқчи эди. Шошилиб бораркан, дарвоза олдида турган ўн ёшлар чамасидаги ўқувчи эътиборини тортди. Ундан мактабга нега бунча барвақт келганини сўради. Боланинг кўзлари маюс, сўзлари ўқик эди: «Ойим яқинда ўлиб қолдилар. Дадам бўлса эртарок ишга кетади, шунга...» Бу сўзларни эшитган Барнохоннинг юрагига оғриқ кирди ва бола-кайнинг елкасидан кучганча охишта бошини силади-да, ўз хонасига бошлади. Уни ширин чой билан сийларкан, «Мана бу китоб эса сенга ўғлим» дея набираси учун сотиб олган «Ўзбек халқ эртаклари»нинг унинг қўлига тутқазди. Сўнг китобни ўқиб бўлгач, олган таассуротларини хикоя қилиб беришини тайинлади. Ана шу лаҳзадаёқ боланинг кўзларидаги маъюслик ўрнини қувонч ва ҳаяжон эгаллади. У устозига раҳмат айтганча синф хонаси томон илдам юриб кетди. Барнохон ўша ўқувчининг исмини дафтарчасидаги «Ердам бериш керак» деган бўлимига қайд қилиб кўяркан, вужудида ўзгача бир энгиллик тўйди. Сўнг рус тили куниси ўтказиладиган «Бадий китоблар мутолааси» тадбири ҳақидаги кўрсатмаларини қозоғга тушира бошлади...

Ҳа, муаллим қўлидаги қаламни инсон ҳаётини ёритувчи шамчиरोққа ўшатишлари беҳиз эмас. Ҳаётини — икки баробар ўқиш демек. Бу ҳикматнинг залворини Тошкент шаҳридаги

мулоҳазалари, ҳаётий хикоялари туфайли ўқувчилар ҳаётга янада теранроқ нигоҳ билан қарайдиган бўлишди. Барно Қодирова, айниқса, оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги амалий ҳамкорликка жиддий эътибор қаратади. Болаларнинг бўш вақтларини банд қилиш, қизиқишлари асосида турли хил машғулотлар би-




Аҳил жамоа — муваффақиятлар омили

## ҲИКМАТ ҲАЗНАСИДИР МАЪРИФАТ ЙЎЛИ



Оила тотувлигини эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати белгилайди



«Данагидан мағзи ширин» деганлари рост экан...

лан шуғулланишлари учун ўнлаб тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйди, ўкув хоналарини янги русумдаги жиҳозлар билан таъминлади. Шунингдек, ўқувчиларнинг касб маҳоратини, сўз билан иш бирлиги даражасини синовдан ўтказиб туришга ҳам алоҳида эътибор берди. Тўғри-да, ўқитувчи кундалик янгиликларни тарғиб қилувчи, маънавияти бой, авлодлар занжирини туташтирувчи, жамиятимизнинг энг фаол кишиси ҳисобланади. Шу боис директор, энг аввало, педагог уларнинг касб малакасини ошириш учун етарли имкониятларни яратишга ҳаракат қилди. Барнохон мураббийларга ҳар доим ўқувчининг оиласи ва маҳалласи билан увий алоқада бўлиб туришни қатъий тайинлайди.

— Зеро, оилада руҳан бутун бўлмаган болага мактабда икки қарра мадад керак бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Барнохон Қодирова. — Ойим Сайёраҳон ая ўттиз йил Шаҳристон маҳалласида хотин-қизлар кенгашининг раиси бўлганлар. Эслайман, уйимиз доимо турли хил оилавий масалалар бўйича мурожаат этувчилар билан гавжум бўларди. Эр-хотин ўртасидаги арзимас можароларнинг айбсиз иштирокчиси бўлиб қолган болажонларнинг руҳий азоблари ҳақида ойим эзilib гапирардилар. Дунё кўрган дадамиз Мирвали ота (охиратлари обод бўлсин!) ҳам бундай баҳс-тортишувларни бартараф қилишга киришиб кетардилар. Охири уларни келиштиришга муваффақ бўлишарди. Ойимнинг (бугун 88 ёшларда) ҳаёт йўллари менга жуда катта мактаб бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келтирилган болаларни ойим (шифокор бўлганлар) кечакундуз демай даволаб, парварिश қилганлар. Ўзбекистоннинг диёнати, одампарвар халқ эканини кўрсатганлар. Айни истиқлол йилларида қадр топган, хурмат-эътибор қозонган онажонимнинг кўп йиллик фидоқорона хизматлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланиб, у киши «Шухрат» медаллари билан тақдирланганидан биз фарзандлар ҳар қадамда фахрлилик юрамси...

«Осонликча келмас шодлик, фароғат, Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шух-

рат» деганларида Фахриддин Жужоҳий бобомиз минг қарра ҳақ эдилар. Барнохон Қодирова-нинг ҳам маъкур мактабга раҳбар бўлиб келгунгача ўтган ҳаёт йўли — ўқиш, изланиш, «бир қўлида бола, бир қўлида қалам» билан кечган бедор туналари китобларга сиймади... 1977 йил Тошкентдаги 63-мактабни аъло баҳолар билан тугатган қизгина кўнглидаги осмон қадар орзулар билан ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг биология факультетига ўқишга кирди. Иш фаолиятини Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабда биология фани ўқитувчилигидан бошлади. 1991 йилдан эътиборан эса ўзи ўқиган 63-мактабга аввал ўқитувчи, кейин маънавият-маърифат ишлари бўйича раҳбар муовини бўлиб хизмат қилди. 2009 йилдан буён эса 70-мактаб директори лавозимида ишлаб келяпти. Орада у Шаҳристон маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида ҳам ишлади, онасидан ўрганганларини ҳаётга татбиқ этиб, қанчалаб инсонларга қўлидан келгунича яхшилик қилди, нотинч оилаларни парокандаликдан асраб қолди.

Раҳбар оилада ҳам ўз бурчини унутмади. Бирин-кетин фарзандлари — Нодирбек, Баҳромбек, Шаҳлохон, Зебохонлар дунёга келди. Савобли ишларида Барнохонга турмуш ўртоғи Шухратжон ака (муҳандис)нинг ёрдами катта бўлди. Оилада аёлга эркак мададга келмас, унинг орзулари, интилишлари кумга синган сувдек гоий бўлиши ҳеч гап эмас. Шухратжон аканинг «Ишлайсиз, эплайсиз, сиз бекорга беш йил бир ўринни банд қилиб университетда ўқидингизми?!» деган гаплари, раҳматлик қайнонаси Ҳанифахон ая (шифокор) ва қайнотаси Абдукарим ака (хунарманд уста)нинг ҳам беминнат хайрихоҳликлари, кўмаклари далда бўлди унга. Шу боис Барнохон бугунги кунда икки ярим ёшли неварасини парвариллаётган келини Дилдорахонга ҳам аспирантурада ўқиши учун шароит яратишга ҳаракат қилади. Ахир, 24 невага ва 20 чевара ардоғида яйраб ўтирган мунис онаизори Сайёраҳон ая эришган бахтга етишни ким орзуламайди!

Ҳа, моҳир педагог, «Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги», «Халқ маорифи аълочиси» нишонлари соҳиби Барнохон Қодированинг кўнглида ҳали орзуниятлари, режалари бисёр. Умр йўллари илму маърифат зиёси ёришиб турган бундай устозларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Санобар **ФАХРИДИНОВА**, «Оила ва жамият» муҳбири.



“Кизим Дилобар коллежни битириб, ўзи амалиёт олиб борган банкка ишга жойлашди. Аста-секин уйимизга келувчи совчилар ҳам кўпайиб қолди. Лекин у негадир йигитлардан нуқсон қидираб, бирини бўйи паст деса, иккинчисини семиз экан деб роса танлади. Аслида, унинг раъйига қараб мен ҳам катта хато қилдим, шекилли. Охири, рад жавоби берилавергач, сўровчилар ҳам келмай қўйишди. Яқинда эса қизимга бир эркак совчи қўйди. Аввалига бир марта уйланиб, кўп яшамаган, дейишганди. Суриштирсак, икки марта ажрашган ва ҳар бир оиласида биттадан боласи ҳам бор экан. Бу гапни эшитиб, Дилобар роса қуйинди. Чунки унинг ўзи болаларни жуда яхши кўради-да. Қизимнинг ёши 30 да. Банкда ишлайди. Топиш-тутиши яхши. Уйли-жойли, хунарли ёки олий маълумотли, зарарли одатлардан холи наманганлик ёки андижонлик 30—35 ёшлардаги киши учраса, узатиш ниятимиз бор.

Юлдузхон ая, Наманган вилояти”.

“Кичик синглимнинг фотиҳа тўйи кунини оиламизда фалокат рўй берди: кутилмаганда онамнинг мазаси қочиб, бир нафасда дунёдан ўтди. Йиглаб-йиглаб тақдирга кўндик. Онамдан кейин дадам ҳам ўзгариб, ҳеч жойга сиймай қолди. Шу-шу, биров билан гаплашгиси, маҳалла-қўйга ҳам қўшилгиси келмайди. Бу худудлик у кишига ёмон таъсир қилди-ми, орадан кўп ўтмай бир кўп яхши кўрмай қолди. Яқинда операция қилдирдик. Натijasи анча яхши. Ҳозир каттакан ховлида дадам билан ҳали уйланмаган кенжа ўкам яшайди. Бизлар ҳам қўлимиздан келгунича иссиқ-совуғига қарайиб туришимиз, лекин барибир ёлғизлик азобидан азият чекаяпти. Отаимизнинг ёши 60 да. Ёшига мос, бир нафар ўғил ёки қизи бор, меҳрибон, хушмуомала аёл топилса, хабар берсангизлар.

Дилдора, Андижон вилояти”.

“Ўзларининг айтишларича, онам ёшлигида жуда чиройли, келишган, хушчақчақ қиз бўлгани боис совчилари ҳам кўп бўлган экан. Лекин тоғам кўярда-қўймай, буйимга “Шу қизингизни ўзим келин қиламан”, деб оёқ тираб туриб олган экан. Икки оламнинг тўрт мучаси соппа-соғ. Мен эса беш ёшга тўлганимда баданимнинг бутун қисмига оқ доғлар туша бошлаган. Аввалига болаларда учрайдиган паразит, яъни гижжадан бўлса керак деб роса даволатишган. Лекин баданимдаги бу доғлар қўлайи кўпайганки, асло қамаймади. Буйим эса тоғамнинг раъйига қараганим учун болам шу дардга йўлиқди, деб ўзини сира кечиролмайди. Ёшлигимда бу бедаво дардингиз нақадар ёмон эканини унчалик англамагандим. Кўчага чиқсам, болалар мендан ўзини олиб қочмасди, дўстларим кўп эди. Лекин улгайгач, ана шу хасталик дастидан кўп бора азият чекдим. Дардлашадиган, сирдош дўстларим ҳам йўқ ҳисоби. Ҳамама мендан ўзини олиб қочади. Ҳалигача бирорта киз билан танишганим йўқ. Онам бечора бирор жойга совчиликка боришга маънури бетамайди. Сизлардан ўтинчим, зора менинг ҳам дардимга малҳам бўлгунчи бирор инсон топилармикан. Ёшим 32 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Тақдири ўзимга ўхшаш, меҳрибон, очиқ кўнгли киз чиқса, уйланмоқчиман.

БОТИР, Тошкент вилояти”.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг!» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

Мурожаат учун телефон: 234-25-46, 233-04-50.

# ТҮЙ ТҮЙДАЙ ЎТСИН-У, ЛЕКИН...

«Оила ва жамият»ни ҳар ҳафта кузатиб бораёяман ва тўй-маросимлар мавзусига бағишланган долзарб мавзулардаги чиқишлар кўпроқ эътиборимни тортаяпти. Нега десангиз, бу масала неча йиллардан бери бизларни ўйлантиради ва барибор кўнгилда турли хил иштибоҳлар пайдо бўлаверади. Ва табиийки, баъзан эътибор бермай ўтиб кетиладиган «майда-чуйда» муаммолар қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида бир ўйлаб кўришга ундайди. Тўғри, ота-она ўз фарзанднинг келажаги, бахтли-саодатли ҳаёти учун кўлидан келгунича ҳаракат қилиши рост. Ҳамма гап мана шу «ҳаракат»нинг характери, шакли ва кўринишидадир.

Ақсарият кексалар бугунги тўйлардаги дабдабозлик, ҳаддан зиёд исрофгарчиликни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайди ва беихтиёр ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни ҳам хўрсиниб хотирлашади. «Ёшлигимиз сизларни кидек тўкин-сочинликда ўтган эмас, бир бурда нонга зор пайтларимиз кўп бўлган. Тўй-томошалар одмигина ўтган, бориға шуқ қилганмиз. Бугун қаранг, қандай тўкинчилик, фаровонлик, тушларимизга кирмаган замонларда яшаймиз-у, лекин баъзан тўқликка шўхлик қилишяпти» дея бизларни зинҳор ношукр бўлмасликка чорлашади.

Дарҳақиқат, бугунги тўйларимизнинг дабдабасидан от хуркади. Дастурхонда анқонинг уруғига муҳайё қилинган, қўша-қўша сарполар, тўй карвонининг охири кўринмайди... Тўй маросимлари бир-бирига улашиб кетади: фотиҳа, маслаҳат, наҳор оши, хотин оши, қизлар мажлиси, базм, чаллар... Хуллас, бош адоги йўқ исрофгарчиликлар... «Қирқ кунлик» тўй ҳам ўтар-



кетар, лекин кейинги ҳаёт-чи?

Мана, ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа: ...Тақдир тақозоси билан бир оиланинг икки қизи ака-укага турмушга чиқадиган бўлди. Тўй кунини ҳам белгиланди. Ҳамма гапга шундан кейин бошлан-

ди. Куёв тараф қизлар олиб келадиган мебелнинг русуми, ўлчами ҳақида шарт қўйди. Қиз томон бундай ўлчамдаги мебелнинг «импортний»сини топиша олмагани, шу боис ўзимизда ишлаб чиқарилгани олиб боришларини айтса, қудалар унамади. Шунда қизларнинг ота-онаси тўйни тўхтатмоқчи бўлди, аммо куёв тараф шу пайтгача қилинган сарф-харажатларни тийин-тийингача тўлашни талаб қилди... Бу ерда икки бахтли оила қуриляптими ёки мол-дунё савдоси бўляптими, билолмай қолдик.

У бўлди, бу бўлди, хуллас, тўй ҳам ўтди. Бемаъни талаблар, айб қидиришлар, турли можаролар тўйдан кейин ҳам босилмади. Охир оқибат, оила куриб бахт топишни орзу қилган гулдай икки қиз ҳозир ота-онаси хонадониде яшаяпти...

Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин, айтинг! Нима, қудаларнинг фарзандлар бахти ҳақидаги орзу-хаваслари фақатгина моддийдан — мебель, чинни идишлар, гиламлар, ўрин-кўрпа ёки тоғора-тоғора овқатдан иборатми? Нега икки тараф ҳам тугиллажак набиралари ҳақида ўйламади? Қизнинг ота-онасига куёв томоннинг асосий таъминотчиси деб қараш қайси мантиқдан келиб чиққан? Йигитларимиз ўз ота-онаси томонидан қайнота-қайнонасига қўйилган курақда турмас талабларни қандай ҳазм қилиб кетади? Шундай «урф-одат»ларни орияти кўтармайдиган бирор ўзбек йигити топиладими?.. Хуллас, саволларимиз кўп...

Моҳира СОЛИЕВА,  
ЎЗМУ талабаси.

## ИМТИЁЗ БЕРИЛМАЯПТИ...

САВОЛ-ЖАВОБ

Оиламизда II гуруҳ ногиронлари бор, аммо солиқчилар мол-мулкга солиқ солишда буни инобатга олишмаяпти, яъни бизга имтиёз беришмаяпти. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари қанчалик қонуний? Умуман, қонунчилигимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифалари учун қандай имтиёзлар кўзда тутилган ва ундан фойдаланиш тартиби қандай?

Абдулатиф Чориев,  
Сурхондарё вилояти.

— 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, яйлов чорвачилиги чўпонлари ва бошқа хизматчилари ер солигидан озод қилинган. Шунингдек, I

ва II гуруҳ ногиронларининг, ўн нафар ва ундан ортик болалари бор аёлларнинг, қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди. Имтиёзлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, айрим фуқароларимиз худди сиз каби оиласида I ёки II гуруҳ ногирони борлигини, лекин ўша жойдаги солиқ органи имтиёз қўлламаётганидан шикоят қилиб туришади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, имтиёз мулкдорга, яъни мол-мулк ва ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказувчи органда расмийлаштирган жисмоний шахсга берилади. Бошқача айтганда, мулк кимнинг номида бўлса, ўша шахсга имтиёз қўлланилади. Қолаверса, имтиёз ҳуқуқига эга фуқаролар солиқ объекти жойлашган жойдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатни мустақил равишда тақдим этиши лозим.

Саволга Республика Давлат солиқ қўмитасининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр НОРМИРЗАЕВ жавоб берди.

Бир боғ жўхорию аравага ўқ бўлмайди, лекин битта қайрағоч бўлади.

Абдулла Қаҳҳор

**ҚАЙЧИ** — Ҳозир ҳам тилимизда «кесиш» маъносини англададиган «қийиш» деган сўз бор. «Қайчи» сўзи шу сўздан ҳосил бўлиб, у дастлаб «қийчи» шаклида бўлган.

**Кампирнинг кўлидаги кон-вертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қиргоғини кесди.**  
Иброҳим Раҳим

**КИРОВ** — Бу сўзнинг «совуқ кел-деганидир.

чаларда ўт ва нарсалар устида ҳосил бўладиган майда муз кристаллари» маъносидан бошқа маънолари ҳам бор. «Қиров» сўзи «чарланган пичоқ дамиде қолган зарралар» ва «молларнинг тилини қоплайдиган касаллик» маъноларини ҳам билдиради.

**Тўла ойнинг ёруғида ўсимликлар баргида пайдо бўлган қиров янги ёққан қор каби ярқираб кўринади.**

Садриддин Айний,  
«Эсдаликлар»дан

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.



**ҚАЙРАҒОЧ** — Ёғочи қаттиқ, сербарг, серсоя, майдабаргли, сувсизликка чидамли дарахт номини билдирган бу сўз қадимги тилимизда «қаттиқ, пухта» маъносини англаган «қайир» сўзига «дарахт» маъносидеги «оғоч» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, у «қаттиқ дарахт» деганидир.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлөзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти — 15:00. Босишга толширилди — 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темура кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1032. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5

СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

## МЕДАЛЛАР КЎПАЙМОҚДА

Гуанчжоуда давом этаётган XVI Осиё ўйинларида спортчиларимиз ҳисобига яна иккита кумуш ва учта бронза медаль қўшилди.

Осиёнинг етакчи енгил атлетикачиларидан бири — Гўзал

Хуббиева юз метрга югуриш беллашувларида кумуш медални қўлга киритган бўлса, лангарчўпга таяниб, баландликка сакраш баҳсларида Леонид Андреев шохсупаниннинг иккинчи погонасига кўтарилди.

Енгил атлетиканинг етти туридан таркиб топган еттикураш баҳсларида қатнашаётган Юлия Тарасова уч тур бўйича бахслар якунига кўра, пешқадамлик қилмоқда.

Авалги Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган таэквондо устаси Евгения Каримова бу гал шохсупаниннинг учинчи погонасидан жой олди. Трамплиннинг батутда сакраш баҳсларида қатнашган Пекин Олимпиадаси совриндори Екатерина Хилко яққалк беллашувларида 39,50 балл билан Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Юнон-рум кураши бўйича 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Давид Солдадзе тўрт беллашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, бронза медални қўлга киритди.

«Осиё ўйинлари — 2010» дастуридан жой олган теннис, шахмат, бокс, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз ҳам медалларга даъвогарлик қилмоқда. Жумладан, теннис беллашувларида — Оқул Омонмуродова ва Денис Истомин олтин медаль учун кортга чиқадиган бўлди.

Шахмат бўйича жамоавий беллашувларда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси бешинчи партиядан сўнг учинчи ўринда бормоқда.

Осиё ўйинларида тезкор шахмат бўйича олтин медални қўлга киритган Рустам Қосимжонов, халқаро гроссмейстерлар — Антон Филиппов, Алексей Барсов ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов эркалар ўртасидаги жамоавий баҳсларнинг учинчи турида қатарлик шахматчилардан 3:1 ҳисобида эстун келди, кейинги икки партияде эса Вьетнам ва Қозғистон терма жамоалари билан бир хил — 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

Бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев чорак финалда мўғулистонлик Шинбаяр Нармандаҳ устидан 10:1 ҳисобида зафар қўчган бўлса, 21 ёшли истеъдодли боксчи Хуршид Тоҳиббоев ўзининг учинчи жангида эронлик Форутан Голорани 7:3 ҳисобида енгиб, ярим финалга чиқди. Умирлар ўртасида жаҳон чемпиони ўқтам Раҳмонов вьетнамлик Дин Хоанг Труонгни иккинчи раундда мутлақ устунлик билан мағлуб этди.

Каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков минг метрга, Мерей Медетов эса 200 метрга ўтказилган саралаш беллашувларида биринчи ўринни эгаллаб, тўғридан-тўғри финалда қатнашадиган бўлди.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.